

8. Полякова А.Г., Гришина Е.Е., Коокуева В.В. «Оценка практики функционирования корпоративных пенсионных систем в Российской Федерации». *Economic Sciences. Фундаментальные исследования.* № 6. 2014.
9. Солодов А.К. «Основы финансового риска менеджмента». Мастерпринт 2018.
10. Зиядуллаев М.Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини бошқариш ва таомиллаштириш масалалари. Монография. – Т.: Молия, 2018. – 116 бет.
11. Вахобов А.В., Мажидов Н.М. Жамғарип бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: Университет, 2017. 3-б.
12. Ражабов Ш.У. «Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш» мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) даражасини олиши бўйича диссертацияи авторефарати. – Т., 2018.
13. Вахобов А.В., Хожибоқиев Ш.Х. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг таркиби ва манзиллигини кучайтириши муаммолари: Халқаро тажриба ва миллӣ ҳусусиятлар. / «Ижтимоий соҳани модернизациялаш ва ривожлантиришишнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т., 2018.
14. Рустамов Д.Р. «Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари» мавзуси бўйича иқтисод фанлари доктори (Dc) даражасини олиш бўйича авторефарати. – Т., 2018.
15. <https://lex.uz/docs>.



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a28

Рузиев Ганишер Усарович -
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ
қўмитаси ҳузуридаги
Фискал институт ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигига доир солиқ имтиёзларининг аҳамияти ёритилган ҳамда имтиёзлар самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар келтириб ўтилган.

Ключевые слова: жисмоний шахслар, даромад, турмуш даражаси, солиқ, имтиёз, самарадорлик.

ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТОВ ПРИ НАЛОГООБЛОЖЕНИИ ДОХОДОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ

Рузиев Ганишер Усарович -
Преподаватель Фискального института при
Государственном налоговом комитете
Республика Узбекистан

Аннотация. В статье подчеркивается важность льгот по налогу на доходы физических лиц и предлагаются предложения по повышению эффективности льгот.

Ключевые слова: физические лица, доход, уровень жизни, налоги, льготы, эффективность.

ISSUES OF THE EFFECTIVE USE OF TAX BENEFITS IN THE TAXATION OF INCOME OF INDIVIDUALS

Ruziev Ganisher Usarovich -
Lecturer at the Fiscal Institute under the State Tax
Committee of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The article highlights the importance of personal income tax benefits and offers suggestions to improve the effectiveness of benefits.

Keywords: individuals, income, standard of living, taxes, benefits, efficiency.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан жорий этилган солиқлардан бири жисмоний шахслар, яъни аҳолидан олинадиган даромад солиғидир. Мазкур солиқ тури мамлакатда иқтисодий тартибга солишнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади. Ушбу солиқ фақат бюджет даромадларини оширишга хизмат қилиш билан чегараланмаслиги, балки кенг ҳалқ оммасининг турмуш даражаси, даромад тўлов қобилияtlарини оширишга ҳам хизмат қилмоғи лозим. Унинг ёрдамида бюджетга тушумлар таъминланиши, аҳоли даромадлари даражаси, уй хўжаликлари шахсий истеъмоли ва жамғармалари таркиби тартибга солиниши, олинган даромадлардан имкон қадар мантиқли фойдаланиш рағbatлантирилиши, даромадлар табақалашувининг камайишига эришиш керак бўлади.

Ҳозирда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини янада ошириш, мулки ва активлари қийматининг муттасил ошиб боришини кафолатлаш орқали улар турмуш шароитини яхшилашни солиқ механизми орқали рағbatлантириш муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда, асосан, даромад солиғидан имтиёзларни қўллаш, улардан тўғри ва самарали фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Айниқса, бугунги кунда айрим самарасиз имтиёзларнинг мавжудлиги, Солиқ кодексида назарда тутилган айрим мақсадли имтиёзларга доир низом ёки тартибларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг Солиқ кодекси нормаларига мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, айрим ҳолатларда Президент фармон ва қарорларида белгилаб қўйилган имтиёзларнинг тегишлича Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўз вақтида киритилмаслиги оқибатида солиқ агентлари томонидан даромад солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш ёки солиқ органлари томонидан имтиёз чегирмаларини тақдим этишда муаммолар (турли хил талқин қилиш, тушунмовчилик,) юзага келмоқда. Бу эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан берилган имтиёзларга доир норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги номувофиқликларни бартараф этиш, уларни Солиқ кодекси нормаларига мувофиқлаштириш, имтиёзлар самарадорлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш, айрим самарасиз имтиёзлардан воз кечиш, мавжуд имтиёзларни тўғри қўллаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасида илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи. Иқтисодий адабиётларда ҳамда ўз илмий қарашларида кўплаб

иқтисодчи олимлар аҳоли даромадларини солиқта тортиш ва солиқ имтиёзларини қўллаш масалаларида фикрларини баён этганлар. Жумладан, америкалик иқтисодчи олим Harley L.Lutz ўз тадқиқотларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғида қўлланиладиган имтиёзларнинг аҳоли даромадларини оширишдаги ўрнини тадқиқ этиб, даромадларни ошириш мақсадида аҳоли томонидан амалга ошириладиган ижтимоий харажатлар бўйича солиқ имтиёзлари берилиши лозимлигини таъкидлайди [7].

Россиялик иқтисодчи олимлар Е.Уварова ва Н.Соловьевалар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ тизимишнинг муҳим таркибий қисми ва ижтимоий соҳадаги самарали тартибга солувчи восита дея таърифлайдилар [8]. С.Волохов ўзининг тадқиқот ишида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ижтимоий йўналтирилган солиқ сиёсатининг воситаси сифатида [9], О.Изотова эса давлат ижтимоий сиёсатининг воситаси сифатида тадқиқ этади. Шунга кўра, улар тадқиқотларида даромадларни солиққа тортишда солиқта тортилмайдиган минимум ва айрим чегирмаларни киритиш лозимлигини асослайди [10]. Д.Суляева ва А.Сбежневларнинг тадқиқот ишлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича чегирмалар ҳамда уларнинг хуқуқий жиҳатлари ҳақида бўлиб, уларда солиқ имтиёзи, солиқ чегирмаси тушунчалари тадқиқ қилингани ҳолда, мазкур тушунчаларга муаллифлик таърифларини шакллантирган ҳамда солиқ чегирмаларини хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини келтириб ўтади [11;12]. Г.В.Морозова ва О.В.Дериналар ўз тадқиқотларида даромадларни солиққа тортишда солиқ чегирмаларининг ҳисобга олиниши ҳамда бундай чегирмалар стандарт, ижтимоий, мулкий, касбий чегирмалар сифатида эътироф этилишини таъкидлайдилар [13].

Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш борасидаги муаммоларга доир илмий изланишлар олиб борган маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Адизовнинг тадқиқоти давлат бюджети шаклланишида жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни ҳисоблаш механизмини таҳлил қилишга[14],

О.Абдураҳмоновнинг изланиши эса жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш ва солиққа тортиш самарадорлигини ошириш масалаларига [15], Ш.Қиёсов, М.Сабиров, А.Аззамовлар тадқиқотлари жисмоний шах-

лар даромадларини солиққа тортиш амалиёти ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалаларига [17;18;19], И.Юлдашев, М.Усманова, А.Бозоровлар тадқиқотлари эса жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортишнинг афзалик жиҳатлари, солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини республикада жорий этиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ўрганишга қаратилганлиги ҳолда, мазкур тадқиқотларда ҳам жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш, ягона ставкани жорий этиш, солиққа тортилмайдиган минимумни белгилаш, ижтимоий харажатларни чегириш каби таклифлар келтириб ўтилган [16;20;21]. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз жоизки, бугунги кунга қадар жисмоний шахслар даромадларини шакллантириш ва оширишни солиқлар воситасида раҳбатлантириш, даромадларни солиққа тортишда солиқ имтиёzlари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-амалий муаммолар яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган. Шу боис жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда солиқ имтиёzlари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ва иқтисодий адабиётлар ва изланишларда етарлича тадқиқ этилмаган долзарб мавзу ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида назарий манбалар, амалий материаллар ва мавжуд норматив-хукуқий хужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш, таққослаш, гурухлаш, мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёzlарга доир норматив-хукуқий ҳужжатларни таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан, даромад солиғига доир кўрсаткичларни таҳлил қилишда эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар мухокамаси.

Давлат солиқлар ёрдамида фуқароларнинг даромадлари ва турмуш даражасини тартибга солиб туради. Ушбу таъсирнинг қанчалик даражада бўлиши жисмоний шахсларнинг даромадларини легаллаштириш, тадбиркорликка бўлган қизиқиш ва мулкнинг қайси ҳолатда сақланишини белгилаб беради.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, агар таъсир даражаси ҳам, солиқ юки ҳам юқори бўлса, даромадларни кўпроқ яширишга мойиллик

ортади, даромад олишга бўлган қизиқишлиар бирмунча сўнади, аксинча, солиқ юки кам бўлса, акс ҳолат юз беради. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи етти поғонали шкалада ва энг юқори ставкаси 60 фоиз миқдорида ундирилган.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида иш ҳақи фондига солиқ юкини камайтириш масаласининг биринчи асосий йўналиш сифатида белгиланиши натижасида 2019 йилдан бошлаб эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 4 поғонали ставкалари ўрнига ойлик маош миқдоридан қатъи назар ягона 12 фоизлик ставка жорий этилди. Бундан ташқари фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган 8 фоизли суғурта бадали бекор қилинди. Натижада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони 2018 йилда 3921609 нафарни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, 780831 нафарга кўпайгани ҳолда 4702440 нафарни ташкил этган. Шунга мос равища жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушуми ҳам 2018 йилда 6423 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, 197 фоизга ошгани ҳолда 12668 млрд. сўмни ташкил этган [23]. Янги солиқ сиёсати доирасида 2019 йилда иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробарга камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди [6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сонли фармони билан 2022 йил 1 майдан бошлаб норезидент жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан оладиган даромадлари (дивиденклар, фоизлар ва фрахтдан олинадиган даромадлардан ташқари) бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 12 фоиз миқдорида (аввал 20 фоиз эди) белгиланиши ҳисобига қарийб 196 та корхона ихтиёрида қўшимча 34,4 млрд. сўмга яқин маблағ қолиши кутилмоқда.

Ҳозирда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини янада ошириш, мулки ва активлари қийматининг муттасил ошиб боришини кафолатлаш орқали улар турмуш шароитини яхшилашни солиқ механизми орқали рағбатлантириш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, бугунги кунда аҳолига жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича турли шакл-

даги кўплаб солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан жорий этилмоқда. Бугунги кунда аҳолининг даромадлари таркиби ва уни ташкил этиш манбаи таҳлил қилинганда, аҳоли даромадларининг асосий манбаи, қарийб 70 фоизи

ойлик иш ҳақи, 15 фоизга яқини эса тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадларга тўғри келмоқда [22]. Шунга кўра, жисмоний шахсларга даромад солиғидан бериладётган имтиёзларнинг асосий қисми иш берувчи хўжалик юритувчи субъектлар, яъни солиқ агентлари томонидан қўлланилмоқда.

1-жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлардан фойдаланаётган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида МАЪЛУМОТ[24]

Йиллар	Имтиёзга асос бўлувчи ҳолатлар сони	Даромад солиғи бўйича жами имтиёз, %да	Шундан			
			Солиқ кодексига асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорларига асосан	Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан	Бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосан
2019 й.	33 866	100,0	89,70	8,19	1,32	0,80
2020 й.	44 093	100,0	80,46	16,06	3,03	0,46
2021 й.	56 165	100,0	85,87	10,63	2,94	0,56
2022 й. 4 ойлик	19 727	100,0	81,20	15,63	2,82	0,35

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўлланилаётган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қиласдан бўлсан, энг кўпи, яъни 85-90 фоиз имтиёз Солиқ кодекси асосида фойдаланилаётган имтиёзлар ҳисобланади. Чунки солиқка тортиш амалиётида даромад солиғи бўйича имтиёзлар, асосан, Солиқ кодекси асосида солиқ субъектлари (солиқ тўловчилар)га нисбатан айrim тоифадаги жисмоний шахсларни солиқ солищдан тўлиқ озод қилиш ёки солиқ солищдан қисман (айrim тоифадаги жисмоний шахслар учун даромадлари қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари ёки 3 баравари миқдоридаги даромадлари бўйича) озод қилиш тарзида қўлланилади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи обьектларига нисбатан эса солиқ имтиёзлари солиқ солинмайдиган ёки қисман солиқ солинмайдиган (солиқ даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдордаги моддий ёрдам, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,11 бараваригача бўлган қийматдаги совғалар) даромадлар шаклида қўлланилади [1].

Шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур солиқ бўйича ҳам Ўзбекистон Республикасининг айrim худудларида маҳсус солиқ ставкалари қўлланилиши, айrim ҳолларда ва алоҳида шароитларда

(масалан, пандемия даврида) вақтинчалик солиқ имтиёзлари Президентнинг тегишли фармон ва қарорлари билан ҳам жорий этилиши мумкин. Жумладан, Солиқ кодексининг 480²-моддасида Ўзбекистон Республикасининг айrim худудларида даромад солиғининг 1 фоизлик ставкаси қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Солиқ кодексининг 75-моддасида солиқ имтиёзлари Солиқ кодекси билан тақдим этилиши, айrim солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари Солиқ кодекси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгилangan солиқ ставкасини камайтириш, лекин кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Бугунги кунда Солиқ кодексида назарда тутилган айrim мақсадли имтиёзларга доир низом ёки тартибларнинг мавжуд эмаслиги, уларнинг Солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, айrim ҳолатларда Президент фармон ва қарорларида белгилаб қўйилган имтиёзлар бўйича Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришларнинг ўз вақтида киритилмаслиги солиқ агентлари томонидан даромад солиғи бўйича имтиёзларни қўллашда ёки солиқ органлари томонидан имтиёз чегирмаларини тақдим этишда муаммолар (турли хил талқин

қилиш, тушунмовчилик)ни келтириб чиқармоқда. Масалан, Солиқ кодексида назарда тутилган мақсадли имтиёзлар, жумладан, 378-модданинг биринчи қисми 16-банди биринчи хатбоисида солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун йўналтириладиган, солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ солинмаслиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомда [5] эса жисмоний шахсларга солиқ чегирмаси ўқиш учун тўлов: ўз маблағлари; жисмоний шахсга тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари (фоизлари билан); юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарти билан берилган маблағлари (ссудалар) ҳисобидан амалга оширилганда, тақдим этилиши назарда тутилган.

Шунга кўра, юқорида назарда тутилган имтиёз солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларига (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган даромадларига нисбатан ҳам қўлланилишига доир норма 2022 йил 1 январдан Солиқ кодексига ҳам киритилди [2]. Аммо солиқ чегирмаси ўқиш учун тўлов юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарти билан берилган маблағлари (ссудалар) ҳисобидан амалга оширилганда ҳам тақдим этилиши Солиқ кодексига киритилмаган. Натижада солиқ қонун ҳужжатларидаги номувофиқлик эвазига солиқ имтиёзини қўллаш ёки солиқ чегирмаларини қайtarishda tushunmowchilikka olib keladi.

Шунингдек, Президент фармонлари билан белгиланган айрим имтиёзлардан келиб чиқиб, Солиқ кодексига тегишли ўзимчалар киритилиши лозим бўлади. Масалан, Тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида Президент фармони [3] билан 2022 йилда 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилиши белгилаб қўйил-

ган. Мазкур фармонда ҳам ушбу имтиёздан келиб чиқсан ҳолда Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси белгилаб қўйилган. Аммо Солиқ кодексига ушбу имтиёзларга доир қўшимчаларнинг ўз вақтида киритилмаслик ҳолатлари имтиёзларни солиқ агентлари томонидан қўллашда муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради.

Юқоридагиларга кўра, солиқ тўловчилар, жумладан, жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш борасида мавжуд имтиёзларни доимий равишда инвентаризация қилиб бориш, уларнинг ижросини кузатиб бориш, аҳоли ва жамият учун фойдалилигини баҳолаш, муайян солиқ имтиёзларини жорий этишда белгиланган мақсадларга эришиш даражасининг таҳлил қилиниши зарур бўлади. Бу борада Давлат солиқ қўмитаси томонидан қонунчилик ҳужжатлари билан берилган солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш ҳамда улардан тадбиркорлик субъектлари томонидан мақсадли фойдаланишини таъминлаш мақсадида жорий йилда солиқ имтиёзлари ҳисобини автоматик тарзда юритиш имконини берувчи “Е-имтиёз” автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга жорий қилинди. Солиқ тўловчилар учун солиқ имтиёзларидан фойдаланишида янада қулайлик яратиш мақсадида “Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат” интерактив хизмати ишга туширилди. Солиқ имтиёзларидан фойдаланган тадбиркорлик субъектлари тўлиқ хатловдан ўтказиб, солиқ имтиёзларининг маълумотлар базаси шакллантирилди. Шунга қарамасдан, бизнинг фикримизча, муайян солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш учун бундай самарадорликни баҳолашнинг тегишли мезонларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш методикалари мавжуд бўлиб, улар асосида мавжуд солиқ имтиёзларидан фойдаланиш даражасини ошириш, самарали ва адолатли фойдаланишини таъминлаш, самарасиз имтиёзлардан воз кечиши ёки қонунчилик ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритишга доир қарорлар қабул қилишда фойдаланилади.

Халқаро амалиётга кўра, кўп сонли имтиёзлар солиқ имтиёзларидан фойдаланмайдиган иқтисодий фаолият қатнашчиларига нисбатан адолатлилик принципини бузади, сабаби муайян солиқ тўловчиларга тақдим этилган имтиёзли режим, шубҳасиз, бошқа-

ларга қўшимча солиқ юки тушишини англатади. Кўп ҳолларда кам даромад оловчи уй хўжаликларини ҳимоя қилиш мақсадида имтиёзлар берилади. Бироқ кўп мамлакатлардаги амалиёт таҳлили бунинг аксини қўрсатади. Имтиёзларни тақдим этиш натижасида нархлар пасайса ҳам, аксарият ҳолларда юқори даромад оловчи уй хўжаликларида асосий маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг истеъмоли ортади. Тақдим этилган имтиёзлардан, асосан, айнан улар наф қўрадилар. Бинобарин, солиқ базасидан чиқариб ташланган солиқнинг прогрессивлиги эмас, балки регрессивлиги ошиши қузатилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, даромадларни солиққа тортишда имтиёзлар таркиби ва уларнинг самарадорлиги таҳлил қилинганда, кўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади, жумладан:

- ❖ жорий этилган солиқ имтиёзларини кўллаш (ёки фойдаланиш) тартибининг аниқлиги ва ишлаш механизмининг мавжудлиги;
- ❖ солиқ имтиёзларидан фойдаланиш мақсади ва шартларининг асослилиги ҳамда уларга амал қилиниши;
- ❖ белгиланган мақсадларни амалга ошириш (даромададларни шакллантириш ва оширишни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя, даромадларни легаллаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва ҳ.к.)га мавжуд имтиёзлар хизмат қилиши;
- ❖ солиқ имтиёзларининг натижадорлиги: давлат бюджети ва аҳоли реал даромадларига таъсири;
- ❖ мавжуд солиқ имтиёзларини бекор қилиш ёки ўзгартириш давлат ва жамият (аҳоли) учун қандай иқтисодий-ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги;
- ❖ солиқ имтиёзини жорий этиш вақтида берилган иқтисодий ва ижтимоий асослар бугунги кунда ҳам ўз кучини сақлаб қолган ёки аксинчалиги;
- ❖ солиқ тўловчиларнинг ушбу солиқ имтиёзлари мавжудлигидан хабардорлиги ва ундан фойдаланишга тайёр эканлиги ҳақида далиллар мавжудлиги;
- ❖ амалдаги имтиёзларнинг солиқ тўловчилар хулқ-атворига таъсир даражаси ва шу кабилар.

Хулоса ва таклифлар. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш борасида юқоридагиларга асосланган ҳолда қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин бўлади:

1. Доимий асосда солиқ имтиёзи фақат солиқни тўлиқ тўлашга қодир бўлмаган солиқ тўловчиларга берилади. Бошқа барча солиқ тўловчиларга имтиёз муайян мақсад ва муддатларга берилиши керак.

2. Даромад солиғининг объекти бўйича солиқ имтиёзларини беришда солиқ тўловчилар томонидан ундан фойдаланишнинг аниқ шартлари белгиланиши керак.

3. Аҳоли учун даромад солиғи имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилиши ва имтиёзлар самарадорлигини сифатли текшириш учун масъул ижроичилар белгиланиши лозим.

Шунинг билан биргаликда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан берилган имтиёзларга доир норматив-хукуқий хужжатлардаги номувофиқликларни бартараф этиш, уларни Солиқ кодекси нормаларига мувофиқлаштириш, имтиёзларни тўғри кўллаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасида қўйидагилар тавсия этилади:

1. Солиқ кодекси 378-моддасининг биринчи қисми 16-банди биринчи хатбоисида солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун йўналтириладиган, солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари га солиқ солинмаслиги белгилаб қўйилган. Ушбу имтиёз нормасини мазкур имтиёзни кўллаш тартиби тўғрисидаги Низом нормалари билан мувофиқлаштириш лозим. Яъни мазкур имтиёз солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун нафақат тијкорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларига (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган даромадларига нисбатан ҳам, балки юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарти билан берилган маблағлари (ссудалар) ҳисобидан амалга оширилганда ҳам кўлланилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли фармонига асосан 2022 йилда 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилишига доир имтиёзлардан келиб чиқиб, мос равишда Солиқ кодексининг 378-моддасига қўшимишталар киритилиши зарур.

3. Давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ҳар ойлик ота-оналар тўловлари (хукумат қарорларида белгиланган миқдорларда) даромад солиғидан озод этилиши лозим.

4. Кам таъминланган, уйга муҳтож, ижарада яшаётган оиласарнинг ижарага олинган турар жой учун ижара тўловларини тўлашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадларини солиқдан озод қилиш, бунда имтиёзни чегирма шаклида қўллаш мақсадга мувофиқ.

5. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг истеъмол савати ва яаш минимумидан келиб чиқсан ҳолда даромадларни солиққа тортишда солиққа тортилмайдиган минимум миқдорини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Солиқ кодекси 378-моддасининг биринчи қисми 21-бандида назарда тутилган имтиёзларни солиқ тўловчининг солиқ даври давомида қандай халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини ёки қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун айнан қайси нодавлат таълим ташкилотларига тўловларни тўлаш учун йўналтириладиган иш ҳақи суммалари

ва бошқа даромадлари солиққа тортилмаслигига аниқлик киритиш лозим. Бунда имтиёзни қўллаш тартиби ёки мазкур ташкилотларнинг тасдиқланган рўйхати ҳамда уларга қўйиладиган талабларни белгилаш тавсия этилади.

7. Ер участкаларининг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулки бўлган уйлар (квартиralар) бузилган тақдирда фуқароларга уларни уй-жой билан таъминлашга қадар вақтинчалик уй-жой ижараси учун бериладиган ҳар ойлик пул компенсацияси тўловларини жисмоний шахсларнинг жами даромадларига киритilmайдиган даромадлари таркиби (369-модда)га киритиш лозим.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилган таклиф ва тавсиялар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан берилган имтиёзларга доир норматив-хуқуқий хужжатлардаги номувофиқликларни бартараф этиш, уларни Солиқ кодекси нормаларига мувофиқлаштириш, имтиёзларни тўғри қўллаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/uz/docs/467492>
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. ЎРҚ-741-сон, 2021 йил 29 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. ПФ-60-сон, 2022 йил 28 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида. ПҚ-57-сонли, 2021 йил 21 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 24 мартағи 24, 2010-15-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олии учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида"ги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами – 2107.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020.24.01.
7. Harley L. Lutz. "The privilege of personal income taxation". Source: The Bulletin of the National Tax Association, Vol. 23, No. 1 (October, 1937), pp. 11-22. Stable URL: <http://www.jstor.org/stable/41786912>.
8. Уварова Е.А., Соловьевна Н.Е. Актуальные проблемы взимания налога на доходы физических лиц и пути их решения. Наука вчера, сегодня, завтра: сб. ст.по матер. XXXI междунар. науч.-практ. конф. № 2(24). Часть II. – Новосибирск: СиБАК, 2016.
9. Волохов С. Налог на доходы физических лиц как инструмент социально-ориентированной налоговой политики: дис. кандидата экономических наук: 08.00.10. – М., 2012. – 181 с. ил. РГБ ОД.
10. Изотова О. Перспективы реформирования налога на доходы физических лиц как инструмента социальной политики государства: диссертация кандидата экономических наук: 08.00.10. – М., 2015. – 150 с.
11. Суляева Д. Правовая природа налоговых вычетов. Автореферат дисс. – М., 2013. – 19 с.
12. Сбежнев А. Вычеты по налогу на доходы физических лиц. Автореферат дисс. – М., 2010. – 27 с.
13. Морозова Г.В., Дерина О.В. Сравнительный анализ становления и развития системы налогообложения доходов физических лиц в РФ и зарубежных странах. УДК 336.221.225.
14. Адизов А. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини тақомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2004. – 21 б.
15. Абдурахмонов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни тақомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005. – 42 б.
16. Юлдашев И. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиши масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2002. – 22 б.

17. Қиёсов Ш. Жисмоний шахслар даромадларини солиқса тортниши тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. – Т.: ТМИ, 2019. – 30 б.
18. Сабиров М. Даромадларни солиқса тортниши механизмини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис. автореф. – Т.: ТМИ, 2019. – 66 б.
19. Аззамов А. Жисмоний шахсларни солиқса тортниши амалиётини тақомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т., 2019.
20. Усманова М. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиқса тортниши тақомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2011. – 23 б.
21. Бозоров А. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар ва уларни солиқса тортниши тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019.
22. Истемъол кайфияти шарҳи. 2021 йил III чорак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. https://cbu.uz/upload/iblock/d75/Istemol-kayfiyati-sharhi_III_chorak.pdf
23. Давлат солиқ хизмати. Йил якунлари. 2019 йил. <https://soliq.uz/storage/files/May2020/2c918089721802760172183236730002.pdf>
24. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ



doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a29

Назаров Суннатулла Амирilloевич -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада раҷамли иқтисодиёт шароитида солиқ назоратини ташкил этиш муаммолари ўрганилган бўлиб, солиқ текширувларининг бугунги қундаги ҳолати таҳлил қилинган ва хуласа ҳамда тақлифлар шакллантирилган.

Ключевые слова: солиқ назорати, солиқ текшируви, солиқ мониторинги, камерал солиқ текшируви, сайдёр солиқ текшируви, солиқ аудити.

ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Назаров Суннатулла Амирilloевич -
научный сотрудник научно-исследовательского центра «Научные
основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при
Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация: В статье рассматриваются проблемы организации налогового контроля в условиях цифровой экономики, анализируется современное состояние налоговых проверок, формулируются выводы и предложения.

Ключевые слова: налоговый контроль, налоговая проверка, налоговый мониторинг, камеральная налоговая проверка, выездная налоговая проверка, налоговая проверка.

PROBLEMS OF ORGANIZING TAX CONTROL IN THE DIGITAL ECONOMY

Nazarov Sunnatulla Amirilloevich -
Independent researcher of the scientific research
center "Scientific foundations and problems of
the development of the economy of Uzbekistan" under
the Tashkent State University of Economics

Abstract: The article examines the problems of organizing tax control in the digital economy, analyzes the current state of tax audits, and formulates conclusions and proposals.

Key words: tax control, tax audit, tax monitoring, camera tax audit, mobile tax audit, tax audit.